Qilmish-qidirmish

# ЁМОННИНГ ТИЛИ ТАВБА ҚИЛСА ҲАМ, ДИЛИ...

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Улар ўзганинг мол-мулкини талон-тарож қилиш мақсадида олдиндан тил бириктирган ҳолда уюшган босқинчилик жиноятини содир этишди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Бектемир тумани суди мазкур жиноий тўданинг қилмишларини муҳокама этди. Улар Қўйлиқ автостанциясида икки нафар бегуноҳ фуқарони уриб, улардан бирига ўртача даражада тан жароҳати етказишган ва уларнинг мулкини очиқдан-очиқ талон-тарож қилишган. Суд жиноятчилардан ҳар бирининг қилмишларига одил баҳо берди.

Жиноятчилар-ку жазосини олишди. Бироқ кўнгилда бир савол туғилади: фожеаларнинг ривожида, иллатнинг илдиз отишида фақат уларни айбдор деб бўладими? Иши, юриш-туришининг тайини йўқ дайдиларга ўз хонадонларидан жой берганларни ким деб аташ мумкин? Бундай разил йўлга кирган кимсаларнинг мўмай пулига учган юртдошларимиз уларга ўз уйларидан жой бермаганида, тўғрироғи, уларнинг ҳаром луқмаларига кўз тикмаганида ёки бирор-бир қинғирликни сезган чоғда зудлик билан тегишли идораларни огоҳ этганида, эҳтимол, бундай кўнгилсизлик юз бермасмиди? Қолаверса, маҳалла фаоллари, ижтимоий мослаштириш маркази ва бошқа мутасаддилар уларнинг ҳар бирини жойларда рўйхатга олиб, фойдали меҳнатга жалб қилишлари лозим эмасмиди?

Албатта, бўлиб ўтган воқеани ортга қайтариб, олдини олиб бўлмайди. Фақат лоқайдлигимиз, "сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилидаги муносабатимиз эртага юзимизга аччиқ тарсаки бўлиб тушмаслиги учун баён этилган кўнгилсизликни сабоқ сифатида бир карра эслашни лозим топдик. Ўйлаймизки, ундан ҳар ким тегишли хулоса чиқаради.

**Равшан ИСОҚОВ,**
**журналист**

Mitti maslahat

# ОҒИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТ

**Хабарингиз бор, газетанинг илгариги сонларида маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳақида фикр юритган эдик. Қуйида эса маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлари юзасидан фикр юритмоқчимиз.**

**Шуни таъкидлаш жоизки, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 32-моддасига кўра, маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:**

**1. Ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;**

**2. Маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликка қўл уриши, шунингдек, ҳуқуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;**

**3. Вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш;**

**4. Ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;**

**5. Ҳуқуқбузарликнинг табиий офат ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши;**

**6. Ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши. Маъмурий жазо чорасини қўллайдиган идора (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб, мазкур ҳолатни айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.**

**Албатта, ҳеч кимга ўз-ўзидан жазо берилмайди. Одамларнинг тинчини бузувчи, юртимиз қонунларига беписанд, иймон-эътиқоди суст кимсаларга эса жазо муқаррар.**

**Шу маънода ҳар биримиз ўзимизнинг инсон эканлигимизни, юртимиз равнақи, унинг гуллаб яшнаши, тинч-тотувлиги, фуқаролари осойишталигини таъминлашга масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак.**

Qing`irlik qiyig`i

# ОХИРИ "ВОЙ" ҲУНАР

Илёс Боққораев муқаддам уч маротаба ўғирлик жиноятини содир этгани учун судланиб, 2001 йили "Амнистия тўғрисида"ги Президент Фармонига асосан жазони ўташ муддатидан илгари озод этилгандан сўнг ҳам ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. У "ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" қабилида иш тутиб, ўзига ўхшаш ҳамтовоқларини йиғиб, жиноий гуруҳ тузди. У бошлиқ жиноий гуруҳ Юқоричирчиқ ва Паркент туманлари ҳудудларида бир қанча ўғирлик, яъни ўзгаларнинг мол-мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш жиноятларини содир этишди. Бу билан кўплаб фуқароларга моддий ва маънавий зарар етказишди.

И.Боққораев томонидан тузилган режага асосан уюшган гуруҳ аъзоларининг 8 нафари чорва молларни ўғирлаб келиш, 4 нафари эса ўғирланган ҳайвонларни сўйиб, гўштини сотиш билан шуғулланган. Жумладан, 2002 йил 10 январга ўтар кечаси жиноий гуруҳ Юқоричирчиқ туманининг "Гулистон" ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Т.Тўрақуловнинг ҳовлисидаги молхонага дала томондан яширин равишда кириб у ердан нархи 300000 сўмлик сигирни ўғирлаб чиқишган ва уни сўйиб, гўштини сотишган.

Ушбу гуруҳ ўзларининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2002 йил 1 март куни Юқоричирчиқ туманининг "Бирлик" ширкат хўжалигидаги 175-хонадондан нархи 100000 сўм бўлган икки бош қўйни ўғирлашган.

Нафс қўйига кирган бу жиноий гуруҳ ушбу ширкат хўжалигида яшовчи Ғ.Ваҳобовнинг нархи 300000 сўм турадиган отини, Паркент туманидаги "Навбаҳор" ширкат хўжалигида яшовчи Б.Муҳаммедовнинг нархи 500000 сўм турадиган новвосини, "Қорақалпоқ" қишлоғида яшовчи Х.Зуҳуровнинг оғилхонасидан 250000 сўмлик новвосини ўғирлашиб, сотиб юборган ва уларнинг пулини айш-ишратга сарфлаган. Ўзганинг ҳақидан қўрқмайдиган қўли эгри кимсалар шу йўсинда турли ўғирликлар содир этишган.

Аммо халқимиз "қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади", деб бежиз айтмаган. Ниҳоят, жиноий гуруҳ аъзолари қўлга тушишди ва суд ҳукми билан содир этган жиноятларига яраша жазо олишди.

Жиноий гуруҳнинг қилмишлари билан танишган киши кўнглида шундай мулоҳазалар туғилади: Шунча сурункали қинғир ишларни ёнимизда бирга юрган кимсалар амалга оширади-ю наҳотки уларнинг қариндош-уруғлари, маҳалла-кўй бундан бехабар қолишса? Бундай катта жиноятларнинг келиб чиқишига ўзимизнинг ҳам атрофдагиларга эътиборсизлигимиз, лоқайд муносабатда бўлаётганимиз сабаб эмасми? Хўп, бошқалар-ку улардниг юриш-туришидан бехабар қолишгандир, аммо ўша ҳеч қаерда ишламайдиган эр уйига пул кўтариб кирганда хотини, болалари бунча даромадни қаердан топаётганини суриштиришмаганига ҳайрон қолади киши.

Хулоса шуки, жиноятга қўл урган кимсаларни маҳалла қўмиталаридан тортиб, тегишли мутасадди идоралар ҳам доимо назоратдан қочиришмаганида оғир жиноятлар содир этилишининг олдини олган бўлишарди.

**Бекмурод ФОРИҚОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Шуҳрат МУСАЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Savob

# БУНЁДКОРЛИК МЎЪЖИЗАСИ

Поп Наманган вилоятида энг катта ҳудудли туман саналади. Унинг бир томони обод шаҳар ва қишлоқлардан иборат бўлса, яна бир чеккаси тоғли гўшаларга туташган. Попнинг маълум бир қисми чўл зона деб аталади. Ҳозирда Янгиқишлоқ номи билан аталаётган маскан 1988-89 йилларда ўзлаштирилган. Дастлаб бу жойлардаги майдонлар экинзорга айлантирилганда деҳқонлар нисбатан энг яқин манзил «Тўда» қишлоғидан 8 километр йўл босиб пиёда ишга қатнашган. Йил ўтган сайин янгидан уй-жойлар қурилгач, табиий равишда аҳоли гавжумлашиб, шу қишлоқ пайдо бўлган. Ҳозир бу ерда Абдуллажон Худойбергановнинг номидаги ширкат хўжалиги ташкил этилган.

Бултур вилоят прокуратураси авария ҳолатида бўлган мактабларни оталиққа олиш ниятида иш бошлаганида шу ердаги 61-мактабни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлашди. Мактаб ўқувчилари расмий ҳужжатларда юритиладиган "мослаштирилган синф"ларда дарс ўтишар экан. Улар вагон-синфлардан иборат эди. Қизиқ, шунақа шароитда ўқиётган болаларнинг савияси қандай экан?

Бутун мактаб ҳовлига тўпланди. Кутилмаган йиғилишнинг сабабини унча англамаган болакайлар ташриф буюрган меҳмонларга ажабланиб қараб туришарди.

Вакил болалардан сўради:

— Поп тумани марказида қилинаётган қурилишлардан, ўзгаришлардан хабарларингиз борми?

Болалар бошларини сараксарак қилиб "бехабармиз" дейишди. Суриштириб кўрилса, бу ердан Поп шаҳрига ҳеч қандай жамоат транспорти йўлга қўйилмаган экан. Катталар ўз имконлари даражасида марказга қатнашган, болалар эса неча йиллардан буён шу қишлоқдан ташқарига чиқишмаган.

Поп тумани ҳокими Рустам Исматуллаев тезда мактабга бир нечта автобус келтириш ҳақида топшириқ берди. Вагон синфда ўқиётган болалар автобусга чиқишди. Улар ўз муаллимлари билан туман марказидаги маданият саройи, ёшлар маркази, касб-ҳунар коллежи, маъмурий идоралар биносини ҳайрат билан томоша қилишди. Қуёш нурида камалакдай товланган фаввораларнинг заррин томчиларидан олам-олам завқ олишди. Ҳеч эсдан чиқмайдиган сафар бўлди.

Бундан ҳам эсдан чиқмайдиган ишлар кейинчалик рўй берди. Вилоят прокуратураси, халқ таълими бошқармаси саъй-ҳаракати билан биз ҳикоя қилган қишлоқда ажойиб мактаб биноси қурилди. Шифтлари баланд, деразалари ёруғ, деворлари чиройли синфхоналар ҳаммани хурсанд қилди. Ҳозир болалар ана шу янги бинода сабоқ олишяпти.

— Мен бу ерда 1994 йилдан буён ишлаяпман, — дейди мактаб директори ўринбосари Умаржон Каримов. — Янги бинога кўчганимиздан кейин бирорта ўқувчи дарс қолдираётгани йўқ. Болалар бунёдкорлик нималарга қодирлигини ўз кўзлари билан кўришди. Эртаиндин мактабга вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ажратилган 11 та компьютер келтирилади.

Дарвоқе, вагон-синфлар тақдири нима бўлди экан, деб сўрарсиз? Бизга айтишларича, уларни музейга экспонат қилиш ҳақида ўйлашяпти.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ**



Табиат сеҳри

Ушбу сондаги суратлар муаллифи: А. ЖУМАЕВ

Taqdir va tarix

# ДУАЙТ ЭЙЗЕНХАУЭР: ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИ

***Ўз даврида "халқ қаҳрамони" деган улуғ номга сазовор бўлган АҚШ давлат раҳбари Дуайт Эйзенхауэр ўзига хос ҳаёт йўлини босиб ўтган.***

1890 йил 14 октябр куни Техас штатининг Деннисон шаҳарчасида истиқомат қилувчи Дейвид Жекоб ва Стовер Эйзенхауэрлар оиласида учинчи ўғли туғилди. Унга Дуайт деб исм қўйишди. Дуайтнинг болалиги АҚШнинг қоқ марказида жойлашган кичкина Абилин шаҳарчасида ўтди.

У ўрта мактабни тамомлагандан сўнг АҚШ Миллий ҳарбий академиясига ўқишга кирди. Отаси ҳам ҳарбий бўлгани учун Дуайт академияда тиришқоқлик билан ўқиди. Дуайтнинг ҳарбий соҳага фидокорона қизиқишини кўрган академия раҳбарлари бўлажак лейтенантни Техас штатидаги "Форт сем" номли махсус ҳарбий бўлинмага ўқишга юборишди. Ўқиш тугагач, Дуайт АҚШ Мудофаа тизимида ишлай бошлади. Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, АҚШ ҳукумати Дуайт Эйзенхауэрга уруш режаси ва стратегиясини ишлаб чиқиш вазифасини юклади. АҚШ Германияга қарши урушда Буюк Британия билан иттифоқ тузди. Шу боис Эйзенхауэр Лондон яқинида ҳарбий штаб ташкил этиб, "Биргалашиб ҳаракат қилсак, бизни ҳеч қандай куч енга олмайди", дея инглиз ҳарбийларини бирлашишга чақирди. Шунингдек, Эйзенхауэр немис-фашист босқинчиларига қарши ҳужумни денгиз орқали амалга ошириш режасини ишлаб чиқди ва у муваффақиятли якунлади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айнан Эйзенхауэрнинг "ОВЕРЛОРД" (меъёрдан ортиқ қўшин ташлаш) ҳарбий операцияси ёрдамида АҚШ ҳарбийлари кўплаб урушларда муваффақият қозонди.

Бу эса Эйзенхауэрнинг юксак ҳарбий маҳоратидан далолат эди. У Эйзенхауэрни миллат қаҳрамони даражасига кўтарди. Иккинчи жаҳон уруши тугагач, Дуайт Эйзенхауэр ҳарбийликни ташлаб, 1948 йилда Нью-Йорк шаҳридаги Колумбия университетининг ректорлигига сайланди ва ўзининг ҳарбий юришлари ҳақида "Европа бўйлаб юриш" номли китобини чоп эттирди. 1950 йилда АҚШ президенти Трумэннинг таклифига биноан Дуайт Эйзенхауэр НАТОнинг Европадаги ҳарбий кучларига раҳбар этиб тайинланди. Бу даврда Жанубий ва Шимолий Корея ўртасида уруш кетаётган эди. Президент Трумэн Жанубий Корея халқига ёрдам бериш мақсадида қўшин юборишга қарор қилди. Аммо президентнинг бу фикрини консерватив республикачилар қаттиқ танқид остига олиб, «бу урушга АҚШ аралашмаслиги керак», деган фикрни билдиришди. Бунга жавобан Дуайт Эйзенхауэр "Ўзга юртда нотинчлик, беқарорлик бўлаётган бир пайтда Америка халқи четдан қараб тура олмайди, тинч-тотув ҳам яшай олмайди", деган ғояни илгари сурди.

Натижада республикачилар ва консерватив-республикачилар ўртасида зиддият пайдо бўлди. Шунда кўпчилик сиёсатдонлар Эйзенхауэрни 1952 йилда бўладиган президентлик сайловига ўз номзодини қўйишга даъват этди. Республикачиларнинг 20 йиллик орзусини амалга ошириш мақсадида Эйзенхауэр бу таклифга рози бўлди. Сайловнинг биринчи босқичидаёқ у муваффақият қозониб, 34 миллион нафар сайловчининг 55 фоиз овозини олди ва АҚШнинг 34-чи президенти этиб сайланди. Шуниси эътиборлики, Эйзенхауэр президентлик қилган йиллар "Замонавий республикачилар даври" деб ном олди. Чунки бу даврда АҚШда уруш асоратлари бартараф этилиб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий юксалишнинг янги палласи бошланди.

1956 йили Эйзенхауэр президентлик сайловига иккинчи марта ўз номзодини қўйди. Айни шу кезларда Англия, Франция ва Исроил давлатлари биргаликда Мисрга қарши уруш эълон қилишди. Лекин Эйзенхауэрнинг саъй-ҳаракати билан давлат ўртасидаги низо тинч йўл билан ҳал этилди. Бундан миннатдор бўлган Америка халқи ўзининг фидойи фарзанди Эйзенхауэрни яна президент этиб сайлади. Таъкидлаш жоизки, Эйзенхауэрнинг иккинчи муддатдаги фаолияти анча мураккаб кечди. Айниқса, мамлакатда ишсизлар сонининг ўсиб бориши, ташқи сиёсатда эса Куба билан дипломатик муносабатларнинг бузилиши кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Шундай бўлса-да, Эйзенхауэр сиёсий фаолиятининг улкан самараси ўлароқ 1957 йили АҚШ Конгресси "Эйзенхауэр назарияси" деб номланган сиёсий ҳужжатни тасдиқлади. Ушбу ҳужжатга мувофиқ ҳар қандай миллат иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича бир-бирига ёрдам бериши ва ўз навбатида агрессияга қарши ҳамкорликда курашиши лозим эди. 1961 йилда 71 ёшли Дуайт Эйзенхауэр нафақага чиқишга қарор қилди. Орадан 7 йил ўтгач, юрак хуружи оқибатида Эйзенхауэр ҳаётдан кўз юмди. Бироқ унинг ҳаёт йўли Америка давлати тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди.

**Мирза ТУРСУНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист**

# БАҒРИТОШ ҚЎШНИ

Фарғонанинг Қиргули туманидаги кўп қаватли уйларнинг бирида фожеа юз берди. Арзимаган пул эвазига хонадон бекасининг умрига зомин бўлинди. Қотил аёлнинг қора рангли сумкасини қўлтиғига тикди. Эшикни қулфлади. Қўлга киритилган "ўлжа"-га икки шиша ароқ олди. Бирини тўрт дона кабоб билан паққос ичди. Иккинчисини эса, синдириб қўйди. Бор-йўқ гап шу.

Мазкур қотиллик юзасидан бошланган суд жараёнида машъум жиноятни тасдиқловчи ашёвий далиллар билан бирга гувоҳларнинг уни инкор этувчи кўрсатмаси ҳам йўқ эмас. Масала ўта жиддий, вазият ҳар бир ҳолатни атрофлича ўрганиш, синчковлик билан ёндашиб, сўнг бир тўхтамга келишни тақозо этарди. Шундай экан, биз суд мажлисидаги гувоҳларнинг фикр-мулоҳазаларини қўя турайлик-да, бу жиноятнинг келиб чиқишига назар ташлайлик.

Ёзнинг дастлабки ойи, аниқроқ айтганда, июннинг 25 куни Гулчирой билан Салоҳиддин ўйинчоқ талашибми, бошқа бир сабаб биланми, уришиб қолади. Бола бола-да, улар уришади, талашади сўнг яна ҳеч нарса бўлмагандек, ярашиб кетаверишади. Аммо ана шу беғараз можарога катталар, ота-оналар аралашса, бунинг оқибати яхшилик билан тугамайди.

Қисқаси, Гулчирой билан Салоҳиддин ўртасидаги можарога уларнинг оналари қўшилди. Аёллар ўртасидаги даҳанаки жангда Салоҳиддиннинг онаси "ғолиб" келди. Мухлиса рақибига тан жароҳати етказди. Оқибатда Гулнора касалхонада ётиб даволанишга мажбур бўлди. Иш судгача етиб борди. Суд ҳукмига биноан М.Расулова маъмурий тартибда жаримага тортилди. Агар эри қаттиқ туриб, хотинининг тарафини олганида жавобгар қамалиши ҳам мумкин эди. Ҳамма бало шундаки, эри суд мажлисида хотини бир ёқда қолиб, судланувчининг тарафини олди.

— Яшшамагур, — деди хотин аламига чидаёлмай. — Қўйнимга илон кириб олган экан, билмай юрган эканман. Энди ўша билан қўшмозор бўл!

Шунинг аламига аёл икки болани етаклади-да, ота-онасиникига аразлаб кетиб қолди. Эр кенг уйда бир ўзи сўққабош бўлиб қолаверди.

— Тор қорнига сиққан, кенг ҳовлимга ҳам сиғасан, — дея қизини юпатди она. — Ўша пиёниста эринг билан яшагандан кўра, эрсиз ўтганинг афзал!

Қайнонанинг куйганича бор эди. Дилшод Исмоилов ҳақиқатдан ҳам, ичкиликка қаттиқ ружу қўйган эди. Суд ҳукмига кўра, уни бежизга Жиноят Кодексининг 96-моддасига асосан алкоголизмга йўлиққанлиги учун тиббий чоралар тайинланмаганди.

Хуллас, қуш уяси бузилди. Битта рўзғор иккига бўлинди. Хотин ҳам, эр ҳам тақдирга тан бериб, алоҳида яшай бошлашди.

— Ўғлимнинг турмуши бузилди, — дея куйинади Дилшоднинг онаси. — Қиз чиқарадиган бўлиб қолдик. Дилшоднинг уйида турган сервантни келиннинг сепига қўшмоқчи эдик. Бироқ бунга қудаларим қаршилик қилишди. Ўғлимни Қиргулидаги квартирасидан молни олиб келишга жўнатган эдим.

— Тўғри, — дейди Гулноранинг отаси, — мебелни қудаларим олишган. Бироқ куёв қизимизга берган гиламимизни сотиб юборган экан. Шунинг ўрнига сервантни олиб қолмоқчи эдик.

Хўш, қудалар ўртасидаги бундай гап-сўзларнинг жиноятга нечоғлик алоқаси бор?

— Ўша куни соат чамаси 13 лар эди, — дейди гувоҳ Н.Соипов. — Йўлак рўпарасида илгариги қўшним Дилшод Исмоиловни кўриб қолдим. У менга "Сотиладиган сервант бор. Синглимни чиқарадиган бўлиб қолдик, пул зарур" деб айтди. Мен унга "йўқ, керак эмас" дедим. Сўнг дўкондан вино олиб келиб ичдим. Бир ухлаб турганимда, соат 19.30 лар эди. Дилшод Исмоилов марҳума Мухлиса яшайдиган уй подъездидан чиқиб катта кўчага қараб кетаётганини кўрдим.

Сервант сотилмади. Демак, Дилшод пул топишнинг бошқа йўлларини ахтара бошлайди. Шу пайт унинг ёдига Мухлиса тушади. Дарвоқе, у савдогарчилик билан ҳам шуғулланиб туради-ку. Буни кейинчалик судда Мухлисанинг опаси ҳам эътироф этди.

Дилшод Исмоилов ўз айбига иқрор бўлиб ёзган аризасида шундай дейди: М.Расулованинг уйига қарзга пул сўраш мақсадида бордим. У мени қабул қилмади. Кечга яқин келишимни айтди. Кечроқ эшигини тақиллатдим...

— Мухлиса жаҳлдор аёл эди, — дейди яна бир гувоҳ С.Игнатева, — эркакларнинг бирон-бир гапи ёки характери ёқмай қолса, тап тортмай олишиб кетаверарди.

Ўша куни Дилшод билан Мухлиса ўртасида гап нимадан бошлангани бизга қоронғу. Аммо Дилшоднинг айтишича, аёл унга шундай деган:

— Эркак бўла туриб, аёл кишидан пул сўрайсанми?

Бу Дилшодга оғир ботган. Ахир, уни деб, уни тарафини олиб бутун бошли оиласи бузилди, ҳаёти издан чиқди. Бу бўлса, оғизда турмайдиган сўзлар билан уни ерга уриб ҳақоратлаяпти. Бунга қандай чидаш мумкин?!.

Хуллас, кечки пайт ёпилган эшик туни билан очилмади. Ҳатто онанинг ёлғиз қувончи, овунчоғи бўлган Салоҳиддин ҳам ўша тун қаердадир, кимнингдир уйида қолиб кетди.

— Синглим билан охирги маротаба 14 июл куни телефон орқали гаплашдик, — дейди марҳуманинг опаси М.Қодирова, — 15 июл куни унга соат 11 да, 20да, 20.30 ларда телефон қилдим. Аммо гўшакни ҳеч ким кўтармади. 16 июл куни соат 13.00 лар чамаси, "Мухлиса эшикни очмаяпти экан", деган хабарни эшитдим. Кейин ҳаммаси ойдинлашди. Кимдир синглимнинг жонига қасд қилганлиги маълум бўлди. Хонада унинг қора рангли сумкачаси йўқ эди.

Суд мажлисида судланувчи ўзига эълон қилинган айбни тан олмади. Бу машъум воқеа содир этилган кун у ўз қишлоғида бўлганини, бу ишдан мутлақо бехабар эканини айтди. Судланувчининг сўзларини гувоҳлар Н.Рўзиев, С.Умаров, И.Шокиров ва бошқалар тасдиқлашди. Ҳатто гувоҳ Т.Қорёғдиев ўша куни Дилшод билан соат 18-19.00 лар чамасида қишлоқ чойхонаси олдида биргаликда пиво ичганлигини айтади.

Ҳаётда жонли гувоҳлардан ташқари жонсиз, гапирмайдиган гувоҳлар ҳам бўлади. Улар олдида инсон боласининг тили калимага келмай қолади. Бу Мухлиса Расуловага тегишли бўлган қора рангли аёллар сумкачаси эди. Дарвоқе, у қаердан пайдо бўлди?!. Ахир, уни Дилшод ичидаги 3800 сўм пулини олиб, пардоз-андоз буюмларига қўшиб жанубий Фарғона каналига улоқтириб юборганди-ку?!.

Шу ўринда яна бир савол туғилади. Ахир, дунёда қора сумкадан кўпи борми?

Ҳамма гап шунда эдики, суриштирув натижасида сумкачанинг

Mushohada

қулфланадиган рақами айнан Мухлиса Расулованики эканлиги тасдиқланди.

Тутзор ичида ётган, занглаган қувур турба бўлагини кўрсатиб, сумкани ана шу темир билан очдим, — дейди Дилшод кўрсатмаларида.

Суд криминалистика экспертизасининг хулосасига кўра, тақдим қилинган темир қувурнинг ўткир учида кўкимтир қора рангли пластмасса материалининг майда заррачалари мавжудлиги аниқланган. Бундан ташқари, марҳума М.Расулованинг чап қўли тирноғи остидан инсон қони юқи топилган. Бу Д.Исмоиловнинг қон гуруҳига мос келади.

Қисқаси, жиноятчи қилмишига яраша жазо олди. Лекин бу воқеалар ривожига назар ташласак, ҳар бир кишини мулоҳазага ундайдиган жуда кўп ҳолатлар мавжудлигига амин бўламиз.

Ахир, бу можаро икки ёш гўдакнинг арзимас жанжалидан бошлангани, бу воқеага катталар ўйламай-нетмай бош суқишгани, иш судгача етиб боргани ҳар қандай кишини таажжубга солади. Наҳотки, оилали, бола-чақали кишилар ҳаётга шундай енгил-елпи қарашса, эртанги кунни ўйламай, бир-бирларининг юзига чанг солишса... Азалдан халқимиз қўни-қўшни мақомини ҳамма нарсадан устун қўйишган. Қўшнилар бир-бирини авайлаб, борини ошириб, йўғини яшириб яшашган. Яхши-ёмон кунларда ҳамиша бир-бирларининг ёнида бақамти туришган. Бу халқимизнинг азалий қадрияти саналган.

Ана шу қадрият, удум унутилган жойда турли хил иғво, ғийбат ва юқорида баён этилган машъум қотиллик сингари воқеалар рўй беради.

Аччиқ хулоса шундан иборат.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Nadomat

# НАФС ЙЎЛИДАГИ АДАШУВ

Лаҳзалар кимнингдир бошига иқбол тожини кийдирса, бошқа бировни жаҳолатнинг тубсиз ботқоғига итқитади. Шуни афсус-надомат билан айтиш керакки, ҳаётда мана шундай нохуш лаҳзалар қурбонига айланган, сўнг пушаймон бўлаётган ёшлар ҳам учраб турибди. Айниқса, эндигина 20 ёшга тўлган, ҳали чимилдиққа ҳам кириб улгурмаган қизни суднинг қора курсисида кўриш ҳар қандай кишини ўйлантириб қўяди. Сурхондарёлик Матлуба Ибоева осон йўл билан мўмай пул топишни кўзлади. Бунинг учун гиёҳванд моддалар сотишга бел боғлади. Лекин бу қинғир йўл унга ғам-ғусса ва ташвиш келтирди. Матлуба ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди. Шу тариқа унинг кўп миқдордаги «марихуана» гиёҳвандлик моддасини мўмай пулга сотиб, бойлик орттириш режаси чиппакка чиқди.

Судда енгил пул топиш илинжида қинғир йўлга кириб қолган қиз айбини тан олиб, енгилроқ жазо беришини сўради. Лекин сўнгги пушаймонлар ҳам, она-боланинг изтиробли кўзёшлари ҳам фойдасиз. Жиноят жазосиз қолмайди. Жиноят ишлари бўйича Собир Раҳимов туман суди чиқарган ҳукмга кўра Матлуба Ибоева 5 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтишни лозим топдик. Гап шундаки, узоқни ўйлаб, ёрқин келажакни кўзлаган беш йил мобайнида одам кўп ютуқларни қўлга киритиши мумкин. Матлуба ҳам ўз ўртоқлари қатори бир олий ўқув юртиша ўқишга кирганда беш йилда етук мутахассис бўлиши аниқ эди. Агар онаси уни тўғри йўлга солиб, ўзига муносиб жойга турмушга узатганида шириндан-шакар фарзандларини етаклаб юрарди. Афсуски, бундай бўлмади. Қинғир йўлни танлаган Матлуба учун бу гаплар аччиқ армонга айланди.

Хулоса ўрнида айтсак, умр инсонга бир марта берилади. Шу боис нафс йўлидаги адашув эса инсонга жуда қимматга тушади. Бунга Матлубанинг тақдири яққол мисолдир.

**Умида БОЛЛИЕВА**

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-559. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50